

Лавозим касб фаолиятига боғлиқ қонунчилик соҳаси

1. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари туғрисида”ги қонунига мувофиқ халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларни санаб ўтинг.
2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар туғрисидаги қонунига мувофиқ ким халқаро шартнома тузиш ваколатига эга ва мазкур ваколатлар қандай амалга оширилади?
3. Халқаро шартномаларни денонсация қилиш нимани англатади?
4. Ратификация ёрлиғи тушунчаси нимани англатади?
5. Халқаро шартномани ратификация қилиш нима? Ўзбекистон Республикасида ратификация қилиш жараёни нима билан яқунланади?
6. Халқаро ташкилот тушунчаси нимани англатади?
7. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси тушунчаси нимани англатади?
8. Халқаро шартномалар ҳуқуқида оговорка (қўшимча шарт, изох) тушунчаси мазмунини ёритиб беринг.
9. Қайси тил Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили ҳисобланади?
10. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги туғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш тартиби қандай?
11. Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги туғрисидаги масалага доир тушунтириш хатида қандай маълумотлар акс этирилиши лозим?
12. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги туғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш ким томондан амалга оширилади?
13. Халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни ким томондан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади?
14. Халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш жараёнида лойиҳа қайси талабларга жавоб бериши лозим?
15. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида халқаро шартномаларнинг турларини кўрсатинг.
16. Халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг экспертизанинг қайси турларидан ўтказилиши мумкин?
17. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш туғрисидаги таклиф киритиш тартиби қандай?
18. Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш туғрисидаги қарорлар ким томонидан қабул қилинади?
19. Ваколатлари туғрисидаги гувоҳнома тушунчаси нимани англатади?
20. Ваколатларни кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни санаб ўтинг.
21. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш йўллари санаб ўтинг.
22. Ратификация қилинадиган халқаро шартномаларнинг турларини санаб ўтинг.

23. Қайси халқаро шартномалар ратификация қилинмайди?
24. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифларларни киритиш тартибини ёритиб беринг.
25. Ратификация қилинмайдиган халқаро шартномаларни тасдиқлаш ва қабул қилиш ким томонидан амалга оширилади?
26. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга қўшилиши тўғрисидаги қарор ким томонидан қабул қилинади?
27. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартноманинг ёки унинг қисмининг вақтинча қўлланилиши мумкин бўлган вазиятларни ёритиб беринг.
28. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномани ёки унинг бир қисмини вақтинча қўллаш тўғрисидаги ёхуд вақтинча қўллашни тугатиш ҳақидаги қарор ким томонидан қабул қилинади?
29. Халқаро шартномаларнинг кучга кириш тартибини ёритиб беринг.
30. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини
31. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини халқаро ташкилотларда рўйхатдан ўтказиш тартибини ёритиб беринг.
32. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилаётган халқаро шартномаларнинг асл нусхалари (тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари) қаерда сақланади?
33. Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномаларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама идоралараро шартномалари депозитарийсининг вазифаларини қайси давлат органи томонидан амалга оширилади?
34. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши устидан назорат ким томонидан амалга оширилади?
35. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тартибини ёритиб беринг.
36. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг жиддий бузилиши нимадан иборат?
37. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатларининг турларини санаб ўтинг.
38. Хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (ХХМТ) тушунчаси нимани англатади?
39. Халқаро молия институтлари (ХМИ) тушунчаси нимани англатади?
40. Молиявий битим тушунчаси нимани англатади?
41. Адлия вазирлиги томонидан юридик хулоса бериладиган битимларнинг турларини санаб ўтинг?
42. Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисидаги шартнома тушунчаси нимани англатади?
43. Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати тушунчаси нимани англатади?
44. Қарз олувчи юридик хулоса олиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни санаб ўтинг.
45. Давлат органлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақидаги ташаббус таклифига илова қилиниши керак бўлган материалларни санаб ўтинг.

46. Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалага доир тушунтириш хатида бўлиши керак бўлган маълумотларни санаб ўтинг.

47. Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалага доир тушунтириш хати ким томонидан имзоланади?

48. Қарз олувчи юридик хулоса олиш учун Адлия вазирлигига керакли ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг қайси муддатда вазирлик уларни кўриб чиқиши ҳамда юридик хулоса тақдим этиши лозим?

49. Юридик хулоса қайси тилда расмийлаштирилади?

50. Юридик хулосани такроран бериш тартибини ёритиб беринг.

51. Юридик хулосани бериш қандай ҳолатларда рад этилади?

52. Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармасининг асосий вазифалари нимадан иборат?

53. Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармаси томонидан амалга ошираётган функцияларини санаб ўтинг.

54. Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармаси уз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун қандай ҳуқуқларига эга?

55. Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармасининг ҳуқуқий ёрдам курсатиш ва ҳуқуқий экспертиза бўлимининг юритувига қандай масалалар таалукли?

56. Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармасининг Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва протокол бўлимининг юритувига қандай масалалар таалукли?

57. Халқаро шартноманинг асосий белгиларини санаб ўтинг.

58. Халқаро шартнома лойиҳаси қандай талабларга мос келиши керак?

59. Давлат органи халқаро шартнома тузишдан тийилиши ёки уни халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжат сифатида ишлаб чиқиши лозим бўлган ҳолатларни санаб ўтинг.

60. Халқаро шартнома лойиҳасига қўйиладиган умумий талабларни санаб ўтинг.

61. Шартномавий-ҳуқуқий амалиётда халқаро шартномалар кўпинча қандай шаклларда тузилади?

62. Халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлар, қоида тариқасида қандай шаклларда қабул қилиниши мумкин?

63. Халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлар тушунчасини ёритиб беринг.

64. Халқаро шартноманинг таркибий қисмларини санаб ўтинг.

65. Халқаро шартноманининг муқаддимасида қандай маълумотлар акс эттирилиши лозим?

66. Халқаро шартноманинг яқунловчи қоидаларига қандай қоидаларни киритиш зарур?

67. Халқаро шартнома лойиҳаси ёки кўп томонлама халқаро шартнома матни қандай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ишлаб чиқувчига қайтарилади?

68. Халқаро шартнома лойиҳаси ёки кўп томонлама халқаро шартнома матни қандай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ишлаб чиқувчига қайтарилади?

69. Музокаралар олиб бориш ва халқаро шартномалар имзолаш ваколатлари тўғрисидаги гувоҳнома ким томонидан расмийлаштирилади?

70. Халқаро шартномада “модда” ва “томонлар” деган атамалардан фойдаланилса, халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатларда ушбу атамаларни ифодалашда қандай сўзлардан фойдаланилади?

71. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг фарқлари нимада?

72. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳамда чен эл фуқароси турмуш кўришган. Бирок, маълум муддатдан сўнг никоҳни бекор қилишга қарор қилишди. Никоҳнинг бекор қилинишининг тартибини ёритиб беринг.

73. Фуқаролик ишлари бўйича хорижий давлат суди Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу суд қарорини тан олиш ва уни ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома юборди. Хорижий суд илтимосномаларини бажариш тартибини ёритиб беринг.

74. Чет давлат судларининг ёки чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарори мажбурий ижрога қаратилиши мумкин бўлган муддат қандай?

75. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни (чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни топшириш, тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, жойида кўздан кечириш ва ҳоказо) бажариш тўғрисида белгиланган тартибда берган топшириқларини ижро этади. Қандай ҳоллар бундан мустасно?

76. МДХ доирасида оила ва никоҳ муносабатлари қайси халқаро ҳужжатларга асосан тартибга солинади?

77. Жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?

78. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси асосида халқаро шартномага тушунча беринг.